

Ўртоқлари хазиллашиб уни шундай деб аташарди. Дархакикат, Бегали Косимов илмий фаолиятининг хаммасини тўлалигича жадидлар мавзуга бағишлаган, уларнинг маърифатпарварлик соҳасидаги, миллатни уйғотиб ҳозирги замон цивилизациясига эш қилиш йўлидаги ҳаракатларини давом эттирган эди. Деярли ярим аср давом этган бу иш жараёнида Бегалининг ўзи ҳам жадидларнинг қай бир ҳислатларини ўзлаштириб олгандек кўринарди. Шунинг учун “Сўнгни жадид” деган лақаб унга жуда мос тушган эди.

Бегали Қашқадарё вилоятининг Қасби туманига қарашли қичқоқ бир қишлоқда туғилиб ўсган эди. Унинг болалиги уруш йилларига тўғри келди. У кезлари, айниқса, қишлоқларда шароит оғир эди. Шунинг учун Бегали ҳам бошқа қишлоқ болалари қаби болалиқнинг кўпгина қувончларидан маҳрум бўлиб ўсган. Қишлоқ аҳли чорвачилиқ билан шугулланарди. Кўй-кўзиларнинг кетидан юриш, уларни парвариш қилиш, вақти келганда улоқлар билан қувлашмачок ўйнашлар қишлоқ болаларининг ягона овунчоғи эди. Бундан ташқари, она табиат Бегалининг қалбида илк марта ватан туйғусини уйғотди.

Қашқадарё адирлари, айниқса, баҳор кезларида бетакрор бир гўзаллик қасб этади. Адирлар ям-яшил либос қияди, ўт-ўланлар, майсалар қишига хуш ёқувчи муаттар хидлар таратиб гурқираб ўсади, теварак-атрофдан узлуксиз эшитилиб турадиган кўй-кўзиларнинг маъраши адирлар бағрида ёқимли музика садоларидек туюлади.

Ложувард осмон тип-тиник, қишида аллақандай номаълум ҳис-туйғуларни уйғотади. Бу гўзаллик ичида яшаб, улғайиб уни севиб қолмаслик мумкин эмас. Бегали она қишлоғини, унинг теварағидаги паст-баланд адирларни жуда яхши кўрарди. У 50 ёшга қирганида бир гуруҳ дўстларини қишлоққа таклиф этганди. Қишлоқ озода, саришта, гоётда файзли эди. Бегали ўзи ўқиган мактабни, болалиғи ўтган қишлоқдаги кўчалару манзилларни қандайдир ички бир гуруҳ билан бизга кўз-кўз қилди. Кейин бизни туман марказидан унча олис бўлмаган қабристонга етаклади. Қабристон қадимий бўлиб, жуда қатта эди. Ҳар бир макбара таъмирланган, супуриб-сидирилган. Одамларнинг бу қабристонга ихлоси ва ҳурмати гоёт баландлиғи аён кўришиб турарди. Бу қабристонда жуда кўп улуг уламоларнинг жасади кўйилган экан. У пайтлари Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлидаги биринчи қадамларини кўймоқда эди. Шунинг учун ҳали шўролар замонидаги баъзи удумлар бекор бўлмаган, ўтмишда яшаган буюқ алломалар ва уламоларни, азиз авлиёларни эъзозлаш, ҳурматини жойига кўйиш қўнғилдагидек эмасди. Лекин Қасби яқинидаги қабристон бундан мустасно. Мени хайрон қолдирган нарса шу бўлдики, Бегали ҳар бир макбарадаги азиз-авлиёланинг қимлиғи, қайси даврда яшагани, қандай ишлар билан халқ ўртасида донг чиқаргани, улар тўғрисида қандай эски-эски қитобларда маълумот берилганини жуда яхши биларди. Бегали бу тўғрида тўлиб-тошиб гапирар экан, биз гўё олис тарихнинг садоларини эшитаётгандек ҳис қилдик ўзимизни. Мен Бегалидан бу гапларни қаердан билишини сўрадим.

— Болалиқда уйимизда ҳам, мактабда ҳам кўп гапиришарди. Неча марта қабристонни зиёрат қилиб, бу ерда ётган азиз-авлиёларни тавоф қилганман. Қолган гапларни ҳар хил қитоблардан ўқиб билиб олганман.

Сухбатдошимга яна бир бор қойил қолдим — мен унинг билимдонлиғини билардим, аммо ўз қишлоғини, унинг тарихини, қадриятларини бу қадар эъзозлашини билмасдим. Демак, унинг ёшлиқ йиллари шунчаки ўйинқароқлик билан ўтмаган экан. Бегали болалиқ кезларидан синчков, ҳар нарсага қизиқадиган, ҳар нарсага тағ-туғи билан чуқур билиб

олишга интиладиган одам бўлиб ўсган экан. Хуллас, бу синчковлик, юрт тарихига, маданиятига кизиқиш уни хозирги Миллий университет даргохига олиб келди. Бегали ўз гуруҳидаги талабалар ичида энг жуссаси кичиги эди. Эркин адирлар бағрида, ўт-ўланлар салтанатида, бир чўпончалик кўй-кўзилар кетидан югуриб ўсган Бегали нега бунчалик кичкина бўлиб қолган, билмадим. Лекин бир-икки йил ўқигандан кейин спорт билан астойдил шугулланиб, бу кусурини анча тўғрилаб олди. У университет командасида 15—20 йил муттасил волейбол ўйнади. Жуда эпчил ва чаккон эди. Жуда кийин тўпларни ҳам ўйинга қайтара олар, умуман, яхши ўйинчилардан бири ҳисобланарди. Бегали дурустгина шахмат ҳам ўйнади. Кафедра миз аъзолари ёзги таътил вақтларида ҳар хил сафарлар ва саёҳатларга кўп бориб турарди. Бегали бу сафарларнинг доимий иштирокчиси эди. У билан Қашқадарёнинг тоғлик ҳудудларига сафар қилганмиз. Хисорак шоввасини, Қизил эмчак тоғини, Гилон деган афсонавий масканни бирга кезганмиз. Узок Шарққа, Бадахшонга, Арошан бува булогига, Сурхон воҳасига бирга борганмиз. Бегали жуда дилқаш йигит эди. У кўп гапирмас, лекин индамас ҳам эмасди. У ҳадеб бўлар-бўлмасга кулавермас, бироқ қулса, чин дилдан қуларди. Бирон нарсадан ранжиса ёки жаҳли чиқса, даргазаб бўлиб, бакириб-чакирмас, балки бирон оғиз захарҳанда гап айтиб ёки бирон пичинг билан, қолларини қимириб, муносабатини маълум қиларди.

Бегали жуда яхши ўқиди. У айниқса эски ўзбек тилини, араб ёзувини мукаммал ўрганди, бу унинг мумтоз адабиёт билан шугулланишига имкон берди. У семинарларда, илмий конференцияларда жуда мазмунли маърузалар қилар, ўрни келганда, илмий масалаларда мунозара қилишдан қочмасди. Унинг ҳар бир чиқишида, албатта, қандайдир янгилик бўларди.

Бегалининг фаоллиги ва гайрати, илмга астойдил берилгани домлаларнинг назаридан четда қолмади. Айниқса, профессор Гулом Қаримов унга алоҳида эътибор билан қарай бошлади. Кўп ўтмай улар ўртасидаги муносабат устоз-шоғирдлик муносабатига айланди. Кейин Бегали Гулом Қаримовнинг аспиранти бўлди. Албатта, унинг номзодлик иши ҳам жадидчиликка бағишланган эди. Лекин Бегали, эҳтимол, Гулом Қаримовнинг маслаҳати билан бўлса керак, жадидчиликнинг умумий муаммолари устида эмас, бу ҳаракатнинг атоқли вакили Мирмуҳсин ижоди устида иш бошлади ва “Мирмуҳсин Шермухамедов (Фикрий) ва унинг адабий муҳити” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақият билан яқунлади. Натижада унинг номи тикланди, ўзбек адабиёти ўзининг яна бир йирик сиймосини қайтадан бағрига қайтарди. Бу Бегали Қосимовнинг илмий жасорати эди. Шундан кейин Бегали докторлик диссертацияси устида иш бошлади. Табиийки, бу тадқиқот ҳам жадидизм масаласига бағишланган бўлиб, энди Бегали уни қатта қўламда, ҳамма назарий жиҳатлари билан бирга ёритишни мақсад қилиб қўйган эди. Бироқ бу пайтга келиб, мафкурамизда яна бир эврилиш содир бўлди — энди жадидлар масаласини умуман тилга олиш мушкул бўлиб қолди. Махаллий “дохийлар”имиздан аллақайсиси, билса-билмаса, “Жадидлар синфий душманимиздир”, деган хикматни айтипти. Шўролар даврида, айниқса, Ўзбекистонда мафкура ана шунақа аҳволда эди. Нима қилмоқ керак? Бу мавзудан воз кечиш — ўзбек адабиётининг чорак асрлик тарихидан воз кечиш, демек эди. XX аср биринчи чорағидаги адабиёт тарих саҳифаларидан ўчириб ташланса, адабиёт ривожига узилиш рўй берар, унинг тадрижий ривожланиш йўлларини изохлаш мумкин бўлмай қоларди. Бунинг устига, материаллар жадидчилик ҳаракатининг халқчил, демократик ҳаракат бўлганидан далолат бериб турган бўлса, ундан қандай воз кечиш мумкин? Хуллас, бу ерда мавзуни

тасдиклатиш учун анчагина мугомбирлик ишлатишга тўғри келди. Бегали ишнинг мавзуини “XX аср боши ўзбек поэзияси (Инкилобий шеъриятнинг шаклланиши ва тараккиёт масалалари. (1905—1917)”, деб белгилади. Албатта, биринчи карашда жадид адабиётини “инкилобий” адабиёт деб аташ эриш туюлади. Бирок масаланинг мохиятига назар ташланса, бу ерда ҳеч қандай муболага ёки сохталик йўқ эди. Негаки, эски тартибларга, феодал муносабатларга, котиб қолган расм-русумларга қарши чиққан жадидлар ўзбекларнинг турмуш тарзини замонавийлаштириб, бутунлай янги йўлга солиб юбориш гоёсини олға сурган эдилар. Бу эса, шубҳасиз, инкилобий гоё эди. Шундай қилиб диссертация темаси тасдиқланди ва Бегали гайрат билан ишга киришди. Иш жараёнида Бегалининг олим сифатидаги муҳим бир хислати намён бўлди ва қамолга етди. Бу — академизм эди. Шўро замонида илмдаги академизм мактаби у ер-бу ерда сакланиб қолган бўлса-да, илмда енгил-елпи йўлларни қидирган ва осонгина фан чўққиларига кўтарилиб, шон-шухрат орттиришни истаган одамлар академизмни қоралай бошладилар. Улар академизмни услубий жихатдан мураккаб деб эълон қилдилар. Бу йўл билан яратилган асарлар кенг халқ оmmasига тушунарли эмас деб даъво қилдилар. Холбуки, бу академизмдан халос бўлган тадқиқотлар адабиётшуносликдаги саёзликни, масаланинг мохиятига чуқур қира билмасликни, фактларни умумлаштириш салоҳиятининг заифлигини оқлар эди. Бегали бу йўлдан қочди ва тадқиқот услубида, Гулом Қаримов қаби академизмга содиқ қолди. Бирок бу тадқиқот устида бир неча баравар кўпроқ ва қаттиқроқ меҳнат қилишни, ишдаги ҳар бир факт, тилга олинган ҳар бир исм, унинг тўғрисидаги маълумотлар аниқ бўлишини талаб этарди. Бу усулда иш кўрувчи олим баландпарвозликдан, юзакиликдан қочмоғи, олдинга сураётган ҳар бир фикрини, ҳар қандай гоёсини ҳар томонлама далиллаши керак эди. Абдулла Қахҳор таъбири билан айтганда, ўз фикрини олға сураётган олим бу фикрни деворга миҳ қокқандек қоқиб, бу миҳнинг қалпоғини узиб ташламоғи лозим эди, шунда бу миҳни, яъни фикрни ҳеч қим жойидан сугуриб ололмайди. Бегалининг докторлик диссертациясининг материаллари тарқок қолди эди. Бу тадқиқотчи олдиға кўшимча қийинчиликлар кўярди. Жадидлар гарчи XX асрда, яъни нисбатан яқинда яшаб ўтгани учун, шўро ҳукуматининг сиёсатида қоралангани вақидан, асарлари деярли унутилаёзган эди. Бегали бу борада ҳам қинакам матонат ва гайрат билан иш қуритди.

Олим Тошқент ёқи Самарқанд қутубхоналаридаги материалларни аниқлаш ва тўплаш билангина шугуллангани йўқ. У материал тўплаш учун қўшни республиқаларға илмиё сафарлар қилди, айниқса, Татаристон ва Бошқирдистон қутубхоналарида қўп ишлади. Айтмоқ кераққи, Уфада ва Қозонда XX аср бошидаги ўзбек адабиёти намуналари Тошқентдағиға қараганда қўпроқ сакланиб қолган. Масалан, мен ҳам Чўлпоннинг Ўзбекистондан топилмаган биринчи шеърий тўплами “Булоқлар”ни Қозон университетининг фундаментал қутубхонасидан топган эдим. Умуман, бу қутубхона қаталогидан ўзбек адабиётининг менға маълум бўлмаган 400ға яқин намуналарининг номини ёзиб олгандим. Хуллас, Бегали материалларни миққоллаб йигди. Ниҳоят, материал излаш жараёнида у Қиримнинг Богчасарой шаҳарчасиға ва унинг яқинидағи Гаспирали қишлоғиға ҳам борди. Бу қишлоқда бутун турқийлар дунёсини уйқотган, маърифат гоёларини тарқатган улуг инсон Исмоилбек Гаспирали тугилиб ўсган ва иждо қилган эди. Бегали бу буюқ зотнинг уй-жойи, унинг хотираси билан боглик жойлар, шу жумладан, унинг қабри ҳам қаровсиз, хароб бўлиб ётганини кўриб қаттиқ изтиробға тушди ва бу тўғрида мақолалар ёзди. Албатта, Бегали йиллар давомида тўплаган материаллар уни бу соҳанинг зуққо билимдониға айлантирди. Бутун

Ўзбекистондаги Миллий Уйғониш даврини, унинг адабиётини ўрганишни истаган ёшлар Бегали атрофига уюша бошлади, бутун бир илмий мактаб шаклланди. Бу эса, кейинчалик Миллий университет таркибида Миллий Уйғониш даври адабиёти кафедрасини ташкил қилишга имкон берди. Кафедрага тўпланган илмий жамоа қисқа муддатда катта ишларни амалга оширди. Жумладан, ҳозир “Маънавият” нашриёти чоп этаётган “Истиклол фидойилари” туркумида биринчи марта жадид адиблар ва шоирларнинг асарлари нисбатан тўла равишда дунё юзини кўрди. Бу китоблар, жадидларга бағишланган монографиялар, рисолалар, мақолалар Бегалининг номини фақат бизда эмас, чет эл илмий доираларида ҳам танитди. Америка, Франция, Германия олимлари билан унинг ўртасида ёзишмалар вужудга келди, улар манба сифатида Бегали чоп қилган асарларга мурожаат эта бошладилар. Туркиядаги туркшунос олимлар эса, туркий халқлар адабиёти бўйича ўнлаб жилддан иборат тадқиқотлар матнларини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш ишига Бегалини муаллиф ва муҳаррир сифатида таклиф қилишди. Бегали бир неча марта Туркияга таҳрир хайъатининг мажлисларига борди. У ерда нутқлар сўзлади. Бегалининг айтишича, бу улкан нашрнинг ўзбек адабиётига бағишланган жилдлари лойихасида парокандалик ва юзакилик мавжуд эди. Уни тузганлар ўзбек адабиётини яқиндан билмасликларини ошқор этиб қўйганлар. Албатта, катта меҳнат сарфланиб тайёрланган лойиханинг танқид қилиниши ҳеч кимга ҳам ёқмайди. Унинг устига, адабиётлар бўйича янгидан лойихага яна нималарнидир қиритиш ҳақидаги таклифлар ҳам жуда катта қийинчилик билан қабул қилинади. Чунки ҳажм чекланган, уни ҳадеб кенгайтираверишнинг имкони йўқ. Бегали бу масалаларда принципал позицияда турди, турли мамлакатлардан келган туркшунослардан ташкил топган таҳрир хайъатини ўзининг танқидий фикрлари ва таклифларига қўндиришга муваффақ бўлди. Натижада лойихадаги ўзбек адабиётига бағишланган жилд анча тўла, илмий жихатдан асосланган ҳолда нашр этилди. Фақат афсусланадиган жойи шундаки, бу қимматли китобдан Ўзбекистонга 2-3 донагина етиб келди, ҳолос! Бегали бу жилдни менга кўрсатган, хатто бир неча кунга бериб ҳам турган эди. Мен у билан танишиб чиккач, бу китоб ҳақида такриз ёзишни буюрдим ва уни “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилдик.

Бегали Қосимов фақат етук истеъдодли тадқиқотчи олим эмас эди, у айна чоғда ўқитувчилик санъатини пухта эгаллаган моҳир педагог ҳам эди. Талабалар уни жуда яхши кўришар ва унинг теварагидан аримасди. Бегали ҳам талабаларни гоётда ҳурмат қиларди. Бирок бу ҳурмат ҳар нарсада уларга ён босишда, уларни етаклашда эмас, аксинча, маърузаларнинг сифатида, уларда ҳар гал қандайдир илмий янгиликларга интилишида, уларнинг адабиёт тарихидан олинган марокли хикояларга бойлигида кўринарди. Бегали талабаларни ҳар қанча ҳурмат қилмасин, уларга нисбатан талабчанликни асло бўшаштирмас эди. Унинг фанидан имтиҳон топшириш гоётда қийин эди, бироқ бу қийинчилик домланинг ўринсиз инжиклигидан тугиладиган сунъий қийинчилик эмасди. Талаба материални Бегалининг қўнглидагидек тўла ўзлаштирмаса, буюрилган бадиий адабиётларни ўқиб чиккан бўлмаса, Бегали унга ижобий баҳо қўймас эди. Албатта, кўпгина нўнок талабаларнинг кетидан юрадиган “илтимосчи” одамлар кўп бўларди. Улар кўрка-писа Бегалидан ҳам илтимос қилишарди. Бирок Бегали уларнинг кўпчилигига рад жавобини берарди. У хатто менга ҳам шунақа муомала қилган. Мен ким тўғрисидадир илтимос қилган эдим. Бегалининг энсаси қотди, қошларини қимириб, истехзо билан:

— Ўқиб келсин, майли, қўйиб берарман, — деди.

Бегали талабчан бўлса-да, адолат билан иш тутар, имтихонни талабадан ўч олиш кууролига айлантормас эди. Эхтимол, университетда бунака талабчан домла жуда кам бўлгандир, хар холда, талабаларнинг Бегалидан ўкиган фанидан билимлари пишик-пухта бўларди. Бегалининг талабчанлиги ўз фанини жуда яхши кўрганидан, унга садокатидан тугилган эди. Кани энди хамма домлалар шундай бўлса, менингча, таълим савиясини ошириш, биринчи навбатда, ўқитувчининг талабчанлигига боглик.

Сўнгни марта биз Бегали билан 2004 йилнинг июл ойида кўришдик. Яхши мутахассис ва ажойиб инсон Омонилла Мадаев ўқитувчиларнинг таътилга чиқиши олдидан якин дўстларига махалла чойхонасида ош килиб берадиган одат чиқарган. Бегали хам шу йигинларга келарди, лекин хар доимгидек бардам ва харакатчан эмас эди. Ранги хам сўлгин, кайфияти паст. Хеч нарса емайди хисоб. Факат домлалар билан гаплашиб, нима гаплигини сўрасак, ошкозони безовта килаётганини айтди. Кейин орадан бир ой хам ўтмасдан Бегалининг касали жиддий эмиш, операция килмаса бўлмас эмиш деган гап таркалди. Лекин маълум бўлишича, операция учун 250 минг сўм тўлаш керак экан. Шунда университетнинг аввалги ректори, академик Тўрабек Долимов валломатлик килди. У университет хисобидан керакли пулни ўтказиб берди.

Мен операциядан кейин 5-6 кун ўтгач, уни кўргани бордим. Бегали мени кўриши билан ётган жойидан турмокчи бўлди. Мен, албатта, “Кимирламанг, ётаверинг”, деб уни тинчитдим ва бунака пайтларда беморга айтиладиган тасалли сўзларини айтдим. Унинг кайфияти яхши эди — унга хам, менга хам операция муваффакиятли ўтди, ха демай тузалиб кетади дейишди. Биз Бегали билан келажакдаги илмий режаларимиз тўғрисида гаплашдик. Бегали Уйғониш даври адабиёти деган илмий дарсликни нашриётга топширганини айтди. Кўп ўтириш мумкин эмас эди. Бирор ўн дакикадан сўнг кўзгалдим. Сўнг менинг ўзим хам шифохонага тушиб колдим.

Кейин Бегалини уйига жавоб беришганини, анча мазаси кочганини айтишди. Юрагим “шув” этди. Уни операция килган доктор Бегалининг рак эканини айтди. Каттик қайгурдим, лекин бандасининг кўлидан нима хам келарди. Мен телефонда видолашдим. Йиги босиб гапларимни айта олмадим. Бегали хам жуда хаяжонланиб кетди, икки марта “Рахмат, Озод ака!”, “Рахмат, Озод ака!”, деди. Бу унинг менга айтган сўнгни сўзлари бўлди.

Профессор Бегали Косимов шу тарзда хаётдан кўз юмди. Шубха йўкки, бу ажойиб инсоннинг номи тарихдан муносиб ўрин эгаллади.

## Озод Шарафиддинов